



ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ПОТЕНЦИАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

**Абдурахмонов Хасан Иброҳимович
Тошкент фармацевтика институти Ф.Ф.Д**

Ёшлар дунёкарашида инновацион тафаккурни юксалтириш уларнинг инновацион потенциалини қарор топтириш орқали амалга оширилади. Ёшларнинг инновацион потенциали бу маълум мақсад ёки натижага эришиш учун ишлатилиши ва қўлланилиши мумкин бўлган қайта тикланадиган манбалар тўпламидир. У инсон потенциали гоясига таянади. Инсоннинг потенциали ўзида эришилган ва мумкин бўлган нарсаларнинг бирлигини, ҳаётнинг тегишли соҳаларида яширин, ҳали намоён бўлмаган қобилиятларнинг мавжудлигини акс эттиради.

Ёшларнинг инновацион потенциали илмий ва амалий иш жараёнда амалга ошириладиган инновацион билимлар, кўникмалар ва муносабатларнинг умумийлигини, шунингдек, уларни инновацион иқтисодий ўзгаришлар шароитида ўқув ва келгуси касбий фаолиятда қўллаш имкониятлари ва захира қобилиятларини акс эттирувчи ажралмас шахсий хусусиятдир. Ёшларнинг инновацион потенциали таркибида иккита компонент мавжуд: аниқ ва яширин. Аниқ потенциал ёшларнинг инновацион фаолият соҳасидаги билимлари ва кўникмалари, шунингдек ўқув ва ўкув-касбий фаолияти давомида олган инновацион тажрибалари билан белгиланади. Яширин потенциал уларнинг инновацион тафаккур тараққиёти билан ифодаланади. Бу жараёнда ёшларни инновацион билим ва кўникмаларни эгаллашга рағбатлантириш, инновацион фаолиятга киритиш, инновацион иш қобилиятини ошириш, шунингдек, бир қатор шахсий фазилатларни юксалтириш устувор аҳамият касб этади.

Ёшларнинг инновацион потенциалини шакллантириш модели уларда инновациялар соҳасидаги билимлар, кўникма ва тажрибаларни ривожлантириш, инновацион фикрлаш ва қобилиятларини, шунингдек шахсий фазилатларини ривожлантиришга қаратилган педагогик тизимдир. Мазкур модельда ўқув мақсадларини аниқлаш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув-педагогик ўзаро муносабатларининг семантик таркибини танлаш ва тузиш, шакллар, усуллар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, шунингдек унинг натижаларини мониторинг қилиш ва баҳолашга ташкилий ёндашувлар мухим аҳамият касб этади. Бу модельнинг яхлитлиги мақсадни белгилаш, мантиқий-семантик, фаол, баҳоловчи ва самарали фаолият каби тўрт компонент билан таъминланади. Модел ёшларнинг инновацион потенциалини шакллантиришнинг пропедевтик, мотивацион-моделлаштириш, эвристик каби ёндашувлар асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Ёшларнинг инновацион потенциалини шакллантириш моделини мувваффакиятли амалга оширишнинг педагогик шартлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Миллий таълим тизимида инновацион тўйинган мухитни яратиш;
- 2) Ўқув жараёнда интеллектуал, ақлий ва ижтимоий ривожланиш даражасига тўлиқ жавоб берадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологияларни



ривожлантириш орқали ўқув жараёнида инновацион тафаккурни шакллантириш йўналишларини кенг йўлга қўйиш;

3) Ҳар бир ёш авлод вакили учун унинг интеллектуал қобилияти, касбий мойиллиги, дарсдан ташқари қизиқишилари ва ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда инновацион потенциални амалга ошириш учун индивидуал траекторияни лойихалаш.

Инновацион тафаккурга асосланган миллий таълим тизимини янада юксалтириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки таълим давлатнинг стратегик муассасаси бўлиб, унинг доирасида ёшларда нафақат профессионализм, балки фуқаролик позицияси ҳам шаклланади. Агар биз инқирозга юз тутишни истамасак, миллий маданиятимиз ва менталитетимизни сақлаб қолишини ҳоҳласак, унда биз профессионал мутахассисларни тайёрлашни кенг миқёсида йўлга қўйишимиз керак. Инновациялар айнан креатив, инновацион тафаккурга эга бўлган шахслар томонидан яратилади⁴.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилган миллий таълим тизимидағи туб ислоҳотлар ва улар билан боғлиқ бўлган ушбу соҳанинг фаол ишлаши учун ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши университетларнинг таълим фаолияти таркиби ва мазмунига янги талабларни қўяди. Ҳозирги кунда таълим муассасаларининг иқтисодий ҳолати уларни тўлиқ модернизация қилиш учун зарур бўлган маблағларнинг этишмаслиги билан характерланади.

Таълимдаги инновацион жараёнлар табиатан объектив бўлиб, инсон ва жамият ривожланишининг асосий табиати ва шаклларига мос келади, уларнинг гуманистик хусусиятини белгилайди. Ушбу жараёнлар ривожланишининг барқарорлиги ва уларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Инновацион педагогиканинг муҳим жиҳати унинг ўқитиши учун қулай мухит яратишга интилишдир. Таълимдаги инновацион жараёнларнинг ривожланиши динамикаси ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга, шунингдек субъектив омилларга боғлиқ. Ушбу жараёнлар педагогикада гуманистик анъана ривожланишининг асосий манбаи ва механизми, таълимдаги шахсий, ижтимоий ва давлат миқёсидаги мақсадларни ўзида уйғулаштиради: ўқувчи шахсий, касбий ривожланиши ва ўзини ўзи англаши учун қанчалик қулай шароит яратилса, жамият манбаати учун хизмат қиласидан мутахассис шунчалик тезлик билан муваффақият қозонади.

Инновацион таълим муҳитининг ижтимоий маъноси жамият ва давлат ривожланишининг тарихий истиқболи кафолати бўлган мутахассисни тайёрлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Бугунги кунда инновацион таълим муҳитини ривожланишининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат: унинг ташқи ва ички таркибий қисмларининг ўзаро яқинлашиши ва яқинлашиши; ижтимоий омилнинг инновацион муҳитни ривожланишига таъсирини кучайтириш; инновацион муҳит ривожланиши динамикасининг ахборот-технологик таркибий қисмига тобора боғлиқлигини таъминлаш; университетнинг илмий-тадқиқот ишларини ишлаб чиқиш ва уларни

⁴ Цветкова В.Д. Новация и инновация в культуре самореализации личности: диссертация ... кандидата философских наук. - Челябинск, 2009. - 162 с.



бизнес ва ишлаб чиқариш тизимиға үйғунлаштириш; университет мутахассисларининг касбий тайёргарлиги таркиби, ташкил этилиши ва мазмунидаги шахсий, ижтимоий ва миллий талабларни мунтазам ҳисоб олиш, инновацион ғояларни тижоратлаштиришни кучайтириш (прагматизм); касбий тайёргарлик жараёнида талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Инновация ташқи дунё ва ўзи билан инсон муносабатларининг бутун тизимини ўзгартиради. Инновация, бу, авваламбор, ўз нұқтаи назаридан фарқ қиласынан қарастырылады. Янгилик - бу ўтмиш, бугун ва келажакка очық назар билан боқишидир. Бундай янгиликнинг парадокси шундаки, у замонавий муаммоларни анъанавий ва инновацион ёндашув асосидағина самарали ҳал қиласынан. Инновация келажакка қарасада күп жиҳатдан ўтмиш ғояларига сұянади. Инновацион ёндашувнинг асосий хусусиятлари: “олдиндан сезиб лаззатланиш”, “хамкорлық қилиш” ва “биргаликта ижод қилиш”дан иборат бўлади. Инновацион концепцияда ўзини сақлаб қолиши ва ўзини ўзи ривожлантириш механизмларининг мавжудлиги, бу диалектика мезонига жавоб берадиган, ушбу қонунларга мувофиқ ишлайдиган ва ривожланиб борадиган тизим бўлиб, унинг ички изчиллиги асосини ташкил этади. Бироқ, бу умуман ўтмишдаги инновацион тушунчаларни аввалги шаклда такрорлаш мүмкінligini anglatmайди. Тарихий тараққиётнинг объектив ривожланаётган йўналиши ва унинг шартлари баъзида ўтмиш ғояларини кўллаш имкониятини тақозо этади. Инновацияларнинг пайдо бўлиши ёшларнинг миллий таълим тизимининг мақсадлари ва тамойилларига нисбатан янги парадигма ва муносабатларни белгилаш, ҳар бир шахс ва умуман жамият учун тарихий истиқболларни очадиган янги ижтимоий қадриятлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ⁵.

Инновацион фаолият янги билимларнинг мазмуни ва инновациялар авлодини англаш орқали тафаккурда ривожланиб борадиган жараёндир. Шу асосда биз объектив, реал дунё учун субъектив онг негизида янгилик пайдо бўлишига олиб келадиган, жараён сифатида инновацион тафаккур механизмининг моделини (фикрлаш ҳаракати сифат жиҳатидан янги тафаккур маҳсул шаклида инновацияни яратиш учун ҳаракат) яратиши мумкин. Бу жараён муаммоли вазиятни изчил, яхлит таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган, дунёни англашни ўзгача шакллантирадиган, маълумотни қайта ишлаш ва сақлаш ва ундаги шахсни ўзи белгилашга хос аналогия бўлган ақлий моделни ўрганишга асосланган. Ақлий моделнинг эпистемологик томони қуйидагича: ақлий модел - бу бизнинг атрофимизни ўраб турган дунёни ёки унинг бир қисмини тафаккурда акс эттиришдир. Бу объект ҳақида маълумот ва энергия алмашинуви шаклида билимларда акс этади. Ақлий моделнинг шаклланиши бу билим предметининг маълум бир энергиясини уни тузиш жараёнида турли хил маълумот шаклларига ўтказиш орқали амалга ошади. Ақлий модел - бу яхлитликнинг бирон бир тури ёки объектив воқеликнинг бир қисмига асосланган шахснинг субъектив ҳақиқатидир. Ақлий моделларнинг субъектив воқелик сифатида акс

⁵ Жабина В.В. Риски инновационного развития общества: социально-философский анализ : диссертация ... кандидата философских наук: - Саратов, 2013. - 167 с.



эттириш жараёнида янги ғоялар, объектив дунёда содир бўлган аналоглардан фарқ қиласиган тузилмалар, схемалар, моделлар шакллантирилиши мумкин. Инновацион тафаккур инсониятга ҳалигача номаълум бўлган ақлий моделларни яратади. Бу жараён мутлақо янги субъектив воқеликни юзага келтиради, бу эса уларни ишлаб чиқариш ва амалда эътироф этиш имконияти билан белгиланади.

Инновацион ақлий моделларнинг пайдо бўлиши қуйидаги бир қатор омилларга боғлиқ:

- анъанавий ёндашувлардан қониқмаслик, эскирган парадигмаларнинг янгилаш зарурати, таълимдаги мақсадларни туб ўзгартиришга бўлган интилиш;
- ёшларга шахсий, ижтимоий, касбий ва миллий ҳаётнинг асосий маъноларини очиб берадиган таълим ва тарбия тизимини шакллантиришга ностандарт ёндашувларни қўллаш эҳтиёжи;
- ёшларнинг профессионаллиги ва малакаси даражасини доимий равища тақомиллаштириш зарурати;
- ўрганилаётган муаммони ишлаб чиқиш жараёнида субъект томонидан тизимли ва доимий равища маълумот олиш имкониятининг мавжудлиги;
- таълим, ташаббускорлик ва ижодкорлик учун мотивацияси янги, яъни илгари мавжуд бўлмаган нарсаларни излаш, ривожлантириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инновация қоида тариқасида, ноанъанавий ғоя - келажақдаги ўзгаришлар тасвири кўринишида юзага келади, кейинчалик у назарий босқичларда амалга оширилади. Ижодкорлик тизимнинг асосий принципларига таъсир қилмайдиган реконструктив характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, бундай ижодкорлик инновацияга қараб “ўтиб” боради. Инновацион тафаккур - бу субъект томонидан объектив ҳақиқатни (шу жумладан жамоавий тарзда) излаш, шахсий ва ижтимоий мавқеини юксалтиришdir.

Инновацион тафаккур тараққиёти таълим хизматларининг рақобатдош сифатини таъминлаш заруратини белгилашга хизмат қиласиган ўқув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш билан амалга ошади. Бундай вазиятда таълим муассасалари фаолиятида замонавий ижтимоий тараққиётнинг тез ўзгариб турадиган ижтимоий-иктисодий жараёнларини ҳисобга олишни таъминлайдиган таълим фаолиятининг шакллари, усуллари ва техникаларини янгилаш зарурати пайдо бўлади. Ҳозирги кундаги асосий вазифа инновацион йўналтирилган касбий ва юксак иктисодий тафаккурга эга бўлган ёшларни компетенцияларини шакллантиришнинг замонавий механизмидан фойдаланиб, уларни ижодий фаолиятини доимий равища ўсиб бораётган талабларга мослашишини таъминлашдан иборатdir.

Инновацион потенциални шакллантириш ўқув ва келгусидаги касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган инновацион билим, қўникма ва қўникмаларни ривожлантириш орқали ёшларнинг интеллектуал, психологик ва ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган фаолияти орқали амалга ошади. Инновацион потенциални шакллантириш механизми ёшларни келгуси касбий фаолиятини инновацион ўзгаришлар шароитида давом эттириш истаги ва илмий ва амалий фаолиятда юзага келадиган инновацион муаммоларни мустақил равища ҳал қилиш учун етарли даражада билим, қўникма ва қобилиятни шакллантиришdir. “Инновация



моҳиятига кўра кўп қиррали, ижтимоий-иқтисодий жараён. Ушбу жараён доимий динамик хусусиятга эга ва ҳеч қачон тўхтамайди. Узлуксизлик унинг энг муҳим хусусиятидир. Айни пайтда, ушбу жараён муайян давр оралигини нисбий равишда ажратиб олиниб, ижтимоий реал воқелик сифатида ҳам қаралишини истисно этмайди. Инновация - алоҳида мамлакат, минтақа доирасида чегераланиб қоладиган жараён эмас. Илмий-техник тафаккурни инновациянинг бошланғич босқичи сифатида қараш мумкин. Фақат илмийтехник тафаккур ва кўникмаларга эга кишигина янги технология яратса олади”⁶.

Замонавий дунё иқтисодий тизимларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади, бунда рақобат устунликлари ресурслар ва арzon иш кучи билан эмас, балки билим, маълумот ва инновациялар билан таъминланади. Бундай иқтисодий тизимлар инновацион жамиятнинг асосини ташкил этади. Инновация тушунчаси янгиликларни яратиш ва тарқатишни, шунингдек фаолият ва тафаккур тарзидаги тегишли ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади. Инновацион тафаккур илмий-техник тараққиёт ва жамиятдаги, шу жумладан таълимдаги инновацион жараёнлар доирасида фикрлашнинг янги усули сифатида тушунилади. Инсоннинг замонавий инновацион жамиятда мослашиш қобилияти зарурияти таълимни репродуктив фикрлашни ривожлантиришга (билимга асосланган ёндашув), инновацион, самарали, ижодий тафаккурни (ваколатга асосланган ёндашув) яратиш ва ривожлантиришга қаратилган педагогик инновацияларга ўтиш жараёни билан боғлиқ.

Инсоният ҳаётининг янги шартлари илмий билимлар ва уларнинг асосида яратилган юқори самарали технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган жамиятни ривожлантиришнинг янги стратегиясига зудлик билан ўтишни талаб қилмоқда. Шу сабабли жамият ривожида таълим тизимининг роли бир неча бор ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда интеллектуал мулк обьектларини яратиш ва сотиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда турли мамлакатлар ўртасида ҳар қандай миллий тараққиётнинг асосини ташкил этадиган интеллектуал ресурслар сифати учун рақобат тобора кучайиб бормоқда. Янги таълим парадигмасининг асосий хусусияти - муайян стандарт шароитларда фаолият учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашнинг таълимий концепциясидан шахсни ривожлантириш бўйича таълим концепциясиغا ўтиш, ижодий тафаккурни доимий шакллантириш ва ёшларнинг қобилияtlарини ривожлантириш тизимиغا ўтиш билан белгиланади. Таълимга бўлган бундай ёндашувнинг асосий мақсади инсондаги ижодкорлик қобилиятини уйғотиш ва ундаги туғма ижодий потенциални ривожлантириш, унинг ўз ижодий имкониятига бўлган ишончни ошириш ва шу билан бирга табиатга зарар келтирмайдиган янги ностандарт ғояларни вужудга келтиришдир. Бундай мақсадга эришиш учун ёшларнинг инновацион тафаккури, ўкув жараёнидаги самарали ижодий фаолият методологиясини ўзлаштириши муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси ривожланаётган таълим соҳасида назарий, услубий ва амалий

⁶ Хаджиев У.Ш. Ёшларнинг тафаккурини шакллантиришда шарқона маънавий-аҳлоқий императивларнинг ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент 2020. –Б.18.



тадқиқотлар ўтказиш, янги таълим технологияларини синтез қилиш, лойиҳалаш ва конструктив қўллаш учун умумий ёндашувлар ва ўзига хос усулларни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият методологиясини ўқув жараёнининг таркибий қисми сифатида ўрганиш ва унинг асосларини ўқитиш заруриятини юзага келтиради.

Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар бутун таълим ва тарбия тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлик асосида қайта қуриш, таълим тизимининг барча жабҳаларини янгилаш учун реал шароит яратди. Замонавий таълим тизимида ўзини ўзи ривожлантириш жараёнларини жадаллаштириш зарурияти ёшларнинг ўз шахсиятига бўлган қизиқишини кучайтиради. Ёшларнинг бугунги кунда инновацион, янги таълим мазмунини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, янги таълим технологияларини ўзлаштириш, уларнинг фан билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқаро тажрибага мурожаат қилиш қобилиятини талаб қилмоқда.

Инновация - бу биринчидан, маданиятнинг янги асоси, келажаги, иккинчидан, замонавий ҳодиса сифатида маданиятнинг ҳозирги ҳолатини ифода этадиган ижтимоий-маданий ҳодисадир. Шунинг учун инновация - бу янги ғояларни объективлаштиришнинг ўзига хос моделидир.

Замонавий жамиятда инновация феномени алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-маданий тараққиётнинг янги пост-индустриал босқичини объективлаштириш модели сифатида намоён бўлади. Фаолият сифатида инновация субъект фаолиятининг ижодий-назарий ва объектив-амалий турини ўзида бирлаштиради.

Замонавий жамиятда ижтимоий фаол, мустақил қарор қабул қилувчи ва уларни амалга оириш масъулиятини ўз зиммасида қолдирувчи шахсга бўлган талаб ошмоқда. Мазкур далилларга мувофиқ равишда рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёж объектив жиҳатдан ўсмоқда. Рақобатбардошлиқ, профессионаллик ва компетентлик, креатив мутахассис каби сифатларга ҳозирда ҳаётий ва касбий муваффақиятлар боғиқ бўлиб турибди. Бунда шахсий ва касбий сифатларга эса фақатгина инновацион тафаккур соҳиби эриша олади. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларининг универсал вазифасига талаб ўзгаради. Асосий масала таълим жараёнининг тарбиявий таркибий қисми ташкил қилиб, педагогларнинг талабаларда билимга бўлган эҳтиёжни ошириш. Бизнинг фаразимизча, яқин келажакда ОТМларнинг функционал вазифалари шундан иборат бўлиб қолади ва шунга қараб университетлар нуфузи белгиланади. Нафакат янги балки энг янги билимларга “лаббай”, деб жавоб бера оладиган менеджерлар “Бозори чаққон” мутахассисларга айланишади. Менеджер ўз фикрлаш тарзини ўзгартирмай иложи йўқ, бунда амалий инициативани олий таълим таклиф қилиши эса жуда муҳим. ОТМ таълим фаолиятининг ўқув-методик таъминотни модернизациялаштира олади, энг муҳими у билимлар жамланмасига эмас бутун умр билим олишга ўз дикқатини қаратишига эътибор беришида бўлади. Талабаларга ҳар кимларнинг фикрларни эмас, фикрлашни ўргатиш керак.

ОТМ максимал даражада талабаларнинг индивидуал фикрлаш, мустақил муҳокама қилиш кўнинмаларини ривожлантиришга бор резервларини ишга солиши керак. Чунки ижодий фикрлашсиз инновацион тафаккурда силжиш рўй бермайди. Тарбия жараёни таълимга нисбатан мураккаб кечади. Тарбияда керакли натижага тезда эришиб бўлмайди. Бунинг учун вақт ва бир қанча мутахассисларнинг етарлича



малакали методлари керак бўлади. Таълим ва тарбиянинг таълим жараёнида уйғунлашуви учун билим динамикасига диалектик ёндашув талаб этилади. Билимларни ўстириш уларни қўшиш дегани эмас. Ўстириш бу билимларни ривожлантириш, янги билим ўзлаштирилганда ривожланишнинг янги босқичига ўтишини таъминланланишига айтилади. Талабаларга билимларни ҳар қандай ўқитувчи бера олади, фикрлашни ўргатишда эса ҳамкорликда ишлайди, фақатгина жамоавий иш натижасидагина талабада ишга нисбатан муносабат шаклланади. Олий мактаб Болония келишувини қабул қилар экан, унинг асосий талабларини бажариши, тарбиявий аҳамиятга эътибор қаратиши лозим.

Европа иттифоқи тасдиқлаган профессионализмнинг саккиз гурухдан ташкил топган фундаментал компетенцияларидан бештаси шахсий сифатлар сифатида тарбияланади: масъулиятни ўз зиммасига олиш, ҳамкорлик қарор қабул қилишда иштирок этиш, зиддиятларни зўравонликсиз ҳал қилиш билан боғлиқ сиёсий ва ижтимоий компетенциялар; маданиятлар аро компетенциялар – полимаданий жамиятда яшашга ёрдам берувчи компетенциялар; ёзма ва оғзаки мулоқот тилларини эгаллаш компетенциялари; бутун умр таълим олиш қобилияти ва хоҳишини назорат қилувчи компетенциялар; шахслараро мулоқот компетенциялари. Демак инновацион таълим бу ОТМ ўқув-методик, илмий-методик ва меъёрий- маъмурий муҳитлар ўртасидаги ҳамкорлик, ОТМ потенциалини юзага чиқаришга йўналтирилган инновацион ёндашувларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек инновацион таълим ҳалқаро даражадаги ҳамкорликни ўз ичига олиб, ижодийликни ошириш, мустақил ва ўзаро манфаатдор талабаларнинг иштирокини назарда тутувчи ҳамкорликдаги таълим жараёнига айтилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Цветкова В.Д. Новация и инновация в культуре самореализации личности: диссертация ... кандидата философских наук. - Челябинск, 2009. - 162 с.
2. Жабина В.В. Риски инновационного развития общества: социально-философский анализ: диссертация ... кандидата философских наук: - Саратов, 2013. - 167 с.
3. Хаджиев У.Ш. Ёшларнинг тафаккурини шакллантиришда шарқона маънавий-ахлоқий императивларнинг ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент 2020. –Б.18.